



PROBLEMS OF THE EPOCH IN THE FATE OF CONTEMPORARIES

Xafiza X. Niyazova

Junior Research Fellow

Institute of Art History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: hafiza-asal@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: image of a contemporary, hero, character, cinematography, film, director, playwright, tandem of actors, script, viewer, character, interpretation.

Received: 25.03.22

Accepted: 30.03.22

Published: 01.04.22

Abstract: The article describes the films created in modern Uzbek art cinema and their role in the life of society. In particular, it analyzes how the problems of today are illuminated through the image of our contemporaries.

ДАВР МУАММОЛАРИ ЗАМОНДОШЛАР ТАҚДИРИДА

Хафиза Х. Ниязова

Кичик илмий ходими

ЎЗР ФА Санъатишунослик институти

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: hafiza-asal@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: замондош образи, қахрамон, персонаж, кино санъати, фильм, режиссёр, драматург, актёрлар тандеми, сценарий, томошабин, характер, талқин.

Аннотация: Мақолада замонавий ўзбек бадий кинотида яратилаётган фильмлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни хусусида сўз боради. Хусусан, бугунги кундаги муаммолар замондошларимиз образи орқали қандай ёритилгани таҳлил қилинган.

ПРОБЛЕМЫ ЭПОХИ В СУДЬБАХ СОВРЕМЕННОКОВ

Хафиза Х. Ниязова*Младший научный сотрудник**Институт искусствоведения АН РУз**Ташкент, Узбекистан**E-mail: hafiza-asal@mail.ru***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова:	образ	Аннотация:
современника, киноискусство, драматург, зритель, характер,	герой, фильм, тандем актеров, интерпретация.	В статье рассказывается о фильмах, создаваемых в современном узбекском художественном кино, и их роли в жизни общества. В частности, проанализировано, как проблемы сегодняшнего дня освещаются через образ наших современников.

КИРИШ

Замондош образини гавдалантириш ҳамиша долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Шу боис ҳар бир драматург ва режиссёр янги образ яратиш борасида тинимсиз изланади. Ижодкор ўзини қийнаб юрган муаммолар, қолаверса, жамиятда ечимини кутаётган масалаларни замондошларимиз образи орқали экранга ҳаётини талқинда олиб чиқишни мақсад қилиб қўяди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Санъатни образларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. “Қаҳрамон, образ, характер — бу тушунчаларсиз реал санъат ҳақида бирорта жиддий гап айтиш мумкин эмас”. [5; 3] Томошабинни персонажнинг ҳаёт йўли, характери, ташқи муҳит таъсирларига реакцияси ва инсонлар билан муомала-муносабати ўзига жалб этади. Турли замондошлар талқинида экранга олиб чиқилган муаммоларнинг замон билан ҳамнафаслиги фильмнинг таъсир кучини оширади. Бу борада сценарий муаллифи икки усулдан бирини танлайди: яратилаётган образ ҳақиқатдан ҳаётдан олинган ёки ўйлаб топилиши мумкин. Муҳими, унинг таъсирчанлик ва индивидуаллик хусусияти юқори бўлиши зарур.

Киношунос Нигора Каримова докторлик диссертацияси авторефератида замонавий ўзбек киносидаги жараёнлар хусусида тўхталар экан, қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади: “Кинематографчилар санъатнинг бошқа соҳаси вакиллари сингари ҳозир юртимизда ҳаёт қандай кечаётгани, замондошларимиз қандай орзулар, ташвишлар билан яшаётганини кўрсатишга интилдилар. Бу мустақиллик даври ўзбек киносида етакчи тамойилга айланди. Албатта, замонамизнинг долзарб муаммоларига бағишланган мавзуни ўзлаштириш аста-секинлик билан кечди: дастлаб мазмуни анча саёз, жўн фильмлар, кейин

эса миллий анъанавий услубларни инкор этадиган, янгича ифода воситалари қўлланган жиддий картиналар суратга олинди”. [6; 39-40]

Ҳар бир режиссёрни ўйлантирадиган мавзу, “ёниб ижод қиладиган” жанри, ўзига хос услуби ва сеvimли қаҳрамонлари мавжуд. Улардан айримларини мисол келтириш мумкин. Масалан, Зулфиқор Мусоқовнинг “Абдуллажон ёхуд Стивен Спилбергга бағишланади” (1991), “Бомба” (1995), “Кичкина табиб” (1998), “Осмондаги болалар” (2002), “Осмондаги болалар-2” (2003), “Дадам бетоб” (2017) фильми қаҳрамонлари халқчиллиги, содда-самимийлиги, ростгўйлиги, мақсади сари интилувчанлиги билан ажралиб туради. Уларнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари томошабин юзида беихтиёр табассум пайдо қилади.

Ҳилол Насимовнинг “Алданган аёл” (2011), “Тубанлик” (2012), “Гумроҳлар” (2014) сингари фильм қаҳрамонлари бошига тушган қийин вазият уларнинг яхши яшашга бўлган кизиқиши, ишонувчанлиги, оқдан-қорани ажрата олмаслиги туфайли томошабин кўнглида ачиниш ҳиссини пайдо қилади.

Аюб Шаҳобиддинов “Қор қўйнида лола” (2003), “Ўтов” (2007), “Телба” (2008) ва “Рангсиз тушлар” (2020) фильми қаҳрамонлари орқали инсонларнинг жамиятда ўз ўрни, кадр-қиммати бўлиши зарурлиги, уларнинг ҳам орзу-умидлари ушалиб, истаклари амалга ошишини кутаётган образлар галереясини яратар экан, томошабинни фикрлашга ундайди.

Қаҳрамоннинг кутилмаган вазиятлардан қандай чора излаб чиқиши томошабин учун жуда қизиқ. Бу ҳақда санъатшунослик фанлари номзоди, киношунос Ханжара Абулқосимова: “Қаҳрамон ва тўқнашув ўзаро чамбарчас уйқашиб кетган бўлади. Масалан, қаҳрамон образи қанчалик ҳаққоний бўлса, тўқнашув хусусияти кучлироқ бўлади ва аксинча”, — деган. [1; 11] Айнан конфликт туфайли фильм қаҳрамонларининг характери ёрқин ифодаланади.

Равил Ботировнинг “Жаннат қайдадир” фильми (сценарий муаллифи — Шароф Бошбеков. Драматург ушбу сценарийни Эркин Аъзамнинг “Жийдалидан чиққан Жўрақул” драматик қиссаси асосида ёзган, 2008 й.) қаҳрамонлари — ён-атрофимиздаги замондошларимиз. Фильмга танланган мавзу бугунги кун учун жуда долзарб, ғояси ҳар бир томошабинни мушоҳада қилишга ундайди. Бош қаҳрамонлар — эр-хотин. Конфликт айнан шу персонажларнинг бир-бирига қарама-қарши дунёқараши сабабли келиб чиқади.

Жийдали кишлоғидан чиққан Жўрақул ўз даврида яхши яшаш пайида гуноҳ бўлса ҳам бошқаларнинг “илм соҳиби” бўлиши учун уларга илмий иш ёзиб беради. Бунинг эвазига топган даромадини турмуш шароитини яхшилашга сарфлайди. Фарзандлари, турмуш ўртоғи, ҳаттоки, набирасини ҳам ўзи яшаган аввалги давр руҳиятида тарбиялайди.

Эр-хотин (Афзал Рафиқов ва Шоҳида Узоқова ижросида) суҳбати орқали бош қаҳрамон Жўракулнинг характери очилади. Ички изтироблари, армонлари ойдинлашади. Бунда драматургнинг қаҳрамонни оддий сўзлар орқали “гапиртира олгани” ва режиссёрнинг актёрлар тандемини тўғри танлагани диққатга сазовор. Жўракул персонажининг фикрларидан унинг ўтган умридани норозилиги сезилиб туради. Чунки у замон ўзгариб, Мустақиллик туфайли ўзининг ўтмишига назар солади, ён-атрофидаги инсонлар ҳаётини кузатади...

Фильмда эр-хотин бир-бирига зид образлар бўлиб, бу икки инсон тимсолида нафақат жамиятда, балки оилада ҳам турли хилдаги қарашли кишилар ички дунёсини очиб беришга ҳаракат қилинган. Ижодий жамоа бунинг уддасидан чиққан. Ижтимоий аҳамиятга эга мазкур масалаларнинг қаҳрамонлар характерида сингдирилишида маълум маъно мужассам. Зеро, ҳар бир инсон мустақил фикрига эга бўлмоғи, эркин мушоҳада юритмоғи лозим. Шундагина давлат равнақ топади. Инсонлар фаровон ҳаёт кечиради. Фақат бошқаларга ҳавас қилиб яшаш билан кифояланиш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шоҳида Узоқова Хоним образи орқали тўкин ҳаётни орзу қилиш билан банд бўлиб, ўз оиласига, айниқса, болалар тарбиясига етарлича вақт ажратмаётган аёлларнинг умумлашма тимсолини яратган. Инсониятнинг орзу-умидлари чексиз. Яхши яшаш ниятида борида шукр қилмасликнинг оқибати мазкур фильмда яққол ўз аксини топган.

Домла — бугун умр ўзи билан ўзи қалбан курашиб келган инсон. Ўтган даврга содик бу олим Мустақиллик шарофатидан ич-ичидан хурсанд бўлса-да, лекин уни тилида айтолмайди, иккиюзламачилик қилишдан ор қилади. Бу персонажнинг ички драматизми муаллиф томонидан жуда кучли тасвирланган. Афзал Рафиқов эса уни ишонарли, ҳаётий гавдалантирган.

Домла ҳаётда йўл қўйган хатоларини давр ўзгариши ҳамда Хонимнинг хатти-ҳаракатлари орқали тушуниб етади. Вақт ўтиб, замон ўзгариб, аёлининг тафаккурида ҳам айнан шундай фикрлар пайдо бўлади. У яхши яшаш ниятида қолган умрини Америкада ўтказиш пайига тушади. Бундай йўл тутиб, ўзлигидан кечишнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслигини тушуниб етган Жўракул у ерга боришдан бош тортади.

Гарчи бугунги куннинг идеал қаҳрамони бўла олмаса-да, лекин чин маънода қаҳрамонларга хос йўл танлайди. Жўракул аёлига ўхшаб, Америкада эмас, ўз юртида яшашга қарор қилади. Бу хонадондаги эскича ва янгича дунёқараш персонажлар характерида очилади. Охир-оқибат янгилик, янги даврга хос руҳият устунлик қилади.

Домла ички изтиробларини оила аъзолари билан юзма-юз суҳбатлашиш чоғида эмас, айнан хат орқали ёзиб қолдиради.

Шароф Бошбеков билан “Жаннат қайдадир” фильми сценарийси хусусида суҳбатлашган чоғимда муаллиф бир-бирига қарама-қарши образлар ҳақида фикр билдирар экан, шундай деганди: “Кино санъатининг драматургияси катта экранда ижобий қаҳрамонни янада таъсирчан қиёфада акс эттириш учун унинг қаршисида, албатта, салбий қаҳрамон намоеън бўлиши шартлигини кўрсатади. Чунки ижобий қаҳрамоннинг қирралари айнан салбий образ билан ўзаро конфликтда очилади. Вильям Шекспирнинг “Отелло”сидаги Отелло образини Ягосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ягонинг нақадар маккорлиги, нақадар устамонлиги Отелло образини янада таъсирчан қиёфада акс этиши учун замин яратади. Худди шундай, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”идаги Ёсуманнинг маккорлиги томошабинда нафрат туйғусини уйғотади. Мазкур образ асар қаҳрамони Фарҳод тимсолини очиш учун хизмат қилган. У шундай маккор инсонни ҳам енгишда ўзида куч-ғайрат топа олади. Бу эса Фарҳод образининг қаҳрамон даражасига кўтарилишида муҳим ўрин тутаяди”. [11] Бир сўз билан айтганда, “Жаннат қайдадир” фильмида турли дунёқарашли замондошларимиз образи ўзининг мукамал ечимини топа олган. Бунда ижодий жамоанинг бир мақсад йўлида бирлаша олганини таъкидламоқ жоиз.

Инсон тақдирининг экран талқини ҳамиша томошабиннинг диққат марказида бўлиб келган. Чунки кинода ҳар қандай бадиий образ макон ва замонда ривожланади. “Санъат асарининг замонавийлиги нафақат тасвирланган ҳаётнинг материаллари, балки бугунги ҳақиқатнинг эҳтиёжлари билан белгиланади, бу муаллифнинг режасида ўз аксини топади”, — деб ёзаяди З.Кедрин”. [4; 5]

Абдувоҳид Ғаниевнинг “Биринчи август” (сценарий муаллифи Олимжон Давлатов, 2019 й.) фильмида абитуриентларни имтиҳон куни пора эвазига олий таълим муассасаларига олиб киришдаги турли “ўйинлар” фош этилган. Фильмда бундай кимсалар абитуриентларни қандай қинғир йўллар билан ўқишга олиб кириши ва бу мақсадга улар кимларнинг ёрдамида эришаётгани кўрсатилган. Йигитали Мамажоновнинг Бўрибой образи орқали замонамизнинг долзарб муаммоларидан бири — пул кетидан қувган айрим “билимли инсонлар” сабабли жамиятимизда саводсиз мутахассислар етишиб чиқаётганига эътибор қаратилади.

“Абитуриентни қинғир йўл билан ўқишга олиб кириш масаласи биргина инсон билан ҳал бўлмаслиги, бунинг учун бир-бирига занжир шакллантирилиб, у жуда пухта ишлаши акс эттирилган. Ачинарлиси, бундай иллатлар ушбу ўқув даргоҳининг айрим

ноинсоф ходимлари ёрдамида илдиз отаётганини фильм қаҳрамони Шарипов домла (Собир Отажонов ижросида) мисолида кузатамиз. Шу пайтгача экранга олиб чиқилмаган мазкур мавзу Янги Ўзбекистон тарихида порахўрликка барҳам беришга жиддий кураш бошланган бир пайтда яратилгани билан аҳамиятлидир”. [8; 144-145]

Аюб Шаҳобиддиновнинг психологик драма жанрида суратга олинган “Рангсиз тушлар” (сценарий муаллифи Умид Ҳамдамов, 2020 й.) фильми қаҳрамони — Кашмира бугунги кундаги долзарб муаммо бўлган одам савдоси сабабли қалби кемтик, хўрланган, оила ва жамиятда ўз ўрнини топа олишга қийналаётган замондошларимиздан бири. У ўзбек киноси учун тамомила янги қаҳрамон эмас. Шундай бўлса-да, режиссёр бу замондошимиз қиёфасида бундай инсонлар қалбига йўл топишга уринади. Улар ҳам эътиборга, кечиришга ва ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳақли эканига ишора қилади.

Кашмира (Феруза Саидова ижросида) отасининг (Карим Мирҳодиев ижросида) розилигисиз хорижлик йигитга турмушга чиқади. У билан бир йил яхши яшайди, аммо кейин ҳаёти остин-устун бўлиб кетади. Чунки йигит Кашмирани сотиб, ундан фойда олишни кўзлайди. Буни сезган аёл тақдирга тан бермайди, аксинча бу вазиятдан чиқиш чорасини излайди ва буни урдалайди ҳам. Сўнгра турмуш ўртоғини топиб, бу қилмиши учун уни қасддан ўлдиради. Шу боис Кашмира 17 йил озодликдан маҳрум бўлади...

Фильм Кашмиранинг Ўзбекистонга қайтиб келиш воқеасидан бошланади. Эндигина шунча машаққатдан холи бўлиб, юртга қайтдим деганда у янада қийин муаммоларга дуч келади. Ён-атрофидагилар қизнинг ички олами билан ҳисоблашмайди. Аксинча ҳамма унга нафрат кўзи билан қарайди, уни тушунишмайди.

Кашмира — камёб исм. Осмондек тиник, зилол сувдек соф маъноларини англаувчи персонаж ҳаёт мазмуни бўлмиш ранглари йўқотади. Аслида тушларнинг рангли ёхуд рангсиз бўлиши аҳамиятсиз. Фильмга танланган ном инсонни фикрлашга ундаши табиий. Ҳақиқатан ҳам тушлар рангли бўладими ёки рангсиз?! Аслида инсон туш кўрмаса, тинч ва осуда ухлайди. Бироқ баъзида шундай тушлар бўладики, инсон бу тушларда яшагиси, уйғонгиси келмайди. Яна шундай тушлар борки, одам тезроқ уйғониб, бу вазиятдан халос бўлишни истайди.

Фильмга танланган ном — оригинал. Рангсиз тушлар — бу ўтмишга ишора. Рангсиз тушлар — Кашмиранинг ранг-баранг ҳаётини оқ-қора рангга бўяган тақдир битиги. Фильмда қаҳрамонимиз азобланганидан дорихонага бориб, тушни яхшилайдиган дори сўрайди. Тақдир зарбаларидан чарчаган аёл қалбидаги оғриқли дардга даво ишташ мақсадида фармацевтдан бунга шифо бўладиган дори сўрайди, аммо...

Кашмира фильм давомида ҳаётда кўрган-кечирганларини ҳеч кимга ҳасрат қилмайди, ҳаётдан нолимайди. Чунки унга онаси (Шоҳида Исмоилова ижросида) ва жиянидан бўлак ҳеч ким ачинмайди, аксинча ундан нафратланишади.

Паспорт столига борган Кашмира ички ишлар ходими билан учрашиш, паспортга суратга тушиш, бармоқ изларини босиш жараёнида ўтмишини хотирлайди. Бундай рангсизлик уни жуда кўп таъқиб этади. Шунга қарамай, у ҳаётдаги хатоларини тўғрилаб, ўз ҳаётига ранг беришга ҳаракат қилади.

Унинг келиши муносабати билан ота-она барча фарзандларини ва яқинларини меҳмонга таклиф этади. Бироқ иккита укасидан бошқа ҳеч ким келмайди. Чунки акаси Кашмирадан ор қилади, уни оила аъзоси сифатида қабул қилишни истамайди, яқинига йўлатгиси келмайди. Сабаби унинг иши, мансабига тўғри келмайди. Бу оила аъзолари учун у ўлган. Дарҳақиқат, узоқ муддат жазони ўтаётган қиз тақдирдан беҳабар оила аъзолари уни вафот этган деб ўйлашади. Бироқ ҳеч ким уни излаб бормайди, унинг тақдири билан қизикмайди. Сабаби, улар учун исноддан кўра, “Кашмира ўлди!”, дейиш яхшироқ. Опасининг ихтиёри эса ўзида эмас, турмуш ўртоғи чизган чизигидан чиқмайди...

Кашмиранинг катта укаси меҳмонга келгач, дастурхон атрофида йиғилганларнинг эътибори операторнинг йирик кадрдаги кичик, ширингина қизалоққа қаратилади. Қўлмақўл бўлаётган бу қизалоққа ён-атрофдагиларнинг муносабати икки инсон – Рустамнинг биринчи аёлидан бўлган ўғли Жасур (Анвар Назаров ижросида) ва Кашмирага бошқача таъсир қилади. Боиси иккисининг ҳам кўнгли кемтик. Улар ҳам инсонлар учун кадрли бўлишни истайди. Бу онларни оператор Азизбек Арзикулов зўр маҳорат билан кадрга муҳрлай олган.

Бир қарашда бахтли оиладек туюлган бу хонадонда аслида бахти кемтиклар талайгина. Опаси жуда қаттиққўл инсонга турмушга чиққан. Акаси мансаб учун яқинларидан кечишга ҳам тайёр. Катта укаси икки марта уйланган, шу сабабли унинг биринчи никоҳидан дунёга келган ўғли бу ерда ота-онасисиз яшайди. Кичик уканинг хотини эса Кашмира, яъни қайногачисининг келишини эшитиб, ота уйига кетиб қолган...

Кашмира ҳаётини яна аввалгидек ранг-баранг қилиш учун яқинлари, оила аъзолари билан муносабатини тикламоқчи бўлади. Бироқ улар буни исташмайди. Келини Ойқиз (Асал Абдуллаева ижросида) билан учрашган Кашмира ундан уйга қайтишини сўрайди. Лекин кутилмаганда эшитган жавоби уни ёмон аҳволга солиб қўяди: “Агар сиз оилам, болам ҳақида ўйлаганингизда бу уйга қайтмаган бўлардингиз. Қизим сизни кўриб катта бўлишини хоҳламайман...”

Аслида Кашмира ҳам ҳаёти бу тарзда кескин жарликка қараб қулашини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Тақдирнинг аёвсиз зарбаларига қарши туриб, ўзида куч топиб, барча азобларни енгган замондошимиз ҳаётини изга солиш учун курашади.

Отаси билан асосан нигоҳлари билан гаплашадиган Кашмира унга бор ҳақиқатни айта олмайди, айб ўзида эканини яхши билади. Кашмира имкон қадар оила ва жамиятда ўз ўрнини топишга уринади. Бироқ ҳар қандай ҳаракати унга зарба бўлиб қайтаверади, камалиб чиққанлиги эса уни ҳар ерда таъқиб қилади.

Кашмира оиласи бағрига қайтгач, тарбиясиз жияни — Жасур яхши томонга ўзгара бошлагани сезилади. Чунки Кашмира унга алоҳида эътибор беради, ўз билганларини ўргатади, у билан дилдан суҳбатлашади. Шу боис жияни майда-майда мозаикалардан бутун уй суратини тиклай бошлайди. Рамзий аҳамиятга эга ушбу кадр режиссёрнинг ўзига хос топилмаси. Инсон эътибор ва самимий муносабат бўлсагина ўзини бахтли оиланинг кичик бўлса ҳам ҳақиқий аъзоси ҳисоблайди.

Шу ўринда режиссёр фильм ичида спектаклдан парчани ўз ўрнида маҳорат билан киритиб ўтганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳаётда ҳам, сахнада ҳам ўз боласига нисбатан меҳрсиз она образи ижросидан таъсирланган болада бундай оналарга нисбатан нафрат хисси пайдо бўлади.

Жасур Кашмиранинг бундан бир неча йиллар олдин тушган рангли чиройли суратини топиб олиб, аммасига айнан ўз уйида бериши фильм қаҳрамонининг ҳаётида яхши кунлар бўлгани ва яна бўлиши мумкинлигига умид беради. Биргина мана шу сурат реkvизити фильмга рамзий маъно берган.

Кашмира фильм сўнггида бўлиб ўтган барча ҳақиқатни укасига айтиш чоғида бу суҳбатни отаси ҳам эшитиб туради, аммо буни у сезмайди. Фикрини яқунлаб, энди ортга қараган Кашмира бу гапларни тинглаб турган отасини кўради. Шундан сўнг унинг ҳаётига яна аввалги ранг қайтгандек бўлади, яқинлари уни тушуна бошлайди. Буни режиссёр Аюб Шаҳобиддинов ўша ёшликдаги чиройли рангли суратни йирик планда кўрсатиш билан ифодалайди.

Одам савдоси ва унинг оқибатлари муаммоси нафақат бизнинг, шу билан бирга, бутун дунё учун оғриқли масала ҳисобланади. Ушбу фильм ўз даврида оғриқли нукта, долзарб муаммони экранга олиб чиқа олгани билан аҳамиятлидир. Ҳаётда адашган замондошимизнинг ижтимоий ҳаётга мослашувидаги қийинчиликлар кинематографик талқинда ўзининг ёрқин ифодасини топа олган. Кўп ўринларда оқ-қора рангдан

фойдаланилганлиги, воқеаларнинг шомдан кейин кўрсатилишида ҳам рамзий маъно мужассам.

Шу ўринда актрисанинг ижро маҳоратини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Унинг мунгли нигоҳи, эгилган қадди, ўзининг қилмишига яраша жазо олиши ҳолатлари ҳаққоний акс этган.

Рихсивой Муҳаммаджонов ва Абдувоҳид Ғаниевнинг “Иснод” (сценарий муаллифи Рихсивой Муҳаммаджонов, 2017 й.) фильмида бугун дунёда глобал муаммо ҳисобланмиш одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмда чет элга ишлаш мақсадида кетган қизларнинг алданиб қолаётгани, бу ишларнинг ортидан катта маблағ орттираётган кимсаларнинг қилмишлари акс эттирилган.

Замондошларимиз бўлмиш уч гўзал қиз турли хил алдовларга ишониб, чет элга ишлаш учун кетади. Бироқ уларнинг бошига кутилмаган синов ва тузалмас дард чанг солади. Одам савдоси муаммосига бағишланган ушбу фильмда замондошларимизнинг ҳар бири ўз тарихини журналист билан бўлган суҳбатда бирма-бир баён этади.

Фильм давомида бир хонада ОИТС дардидан даволанаётган бу қизларни айтиб бир гуруҳ инсонлар алдов йўли билан ўз тузоғига илинтиргани ойдинлашади. Бу қизларнинг аянчли тақдири билан танишаётган журналист қиз (Дилноза Кубаева ижросида) фильм сўнггида бу ишларда турмуш ўртоғининг ҳам кўли борлигини билгач умр йўлдошининг қилмишига яраша жазо олиши учун уни ўзи фош этади.

Актёрнинг профессионал ижроси кинонинг таъсирчанлигини оширишга муносиб ҳисса қўшади. Шу маънода фильмдаги оператор Умаржон Жумаев ижросидаги Келдиёр образи ўзига хос ечим топган. Унинг характеридаги образ айнан шу актёр учун ёзилгандек.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, режиссёр Олимжон Салимов актёрлар ҳақида шундай деган: “Актёр — бу ҳаракатдаги образ. У аввало фикрловчи, интеллектуал савияси баланд, юртида, дунёда содир бўлган ва бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати аниқ, уларни мушоҳада қила оладиган, сахна санъатини, унинг қонунлари ва талабларини миридан сиригача биладиган, ўз устида тинмай ишлайдиган, касби талабларига сўзсиз риоя қиладиган, инсоннинг ҳар қандай вазиятдаги ҳолатини чуқур ҳис қилиб, уни сахнада мукамал ифодалай биладиган, маданияти, ахлоқи, ҳаёт тарзи билан атрофдагиларга ибрат кўрсатадиган санъаткор бўлиши керак” [9; 5-6.]. Бу нафақат театр, шу билан бирга, кино актёри учун ҳам тааллуқли фикрдир.

Мазкур фильмда театр актрисаси Дилноза Кубаеванинг (Жамилахон) ижроси ҳаётда хато қилиб, алданган қизлар образини яратган Шаҳзода Матчонова (Нодира), Баҳора Арслонова (Чарос) ва Феруза Мустафоева (Зебо) ижросидан профессионаллиги билан ажралиб туради. Дилноза журналист қиз — Жамилахон образи орқали ички кечинмалари, ғалаёнлари, ҳис-туйғуларини ҳаётий ифодалай олган.

Шаҳзода Матчонова ижросидаги персонаж — Нодиранинг фикри фильмнинг асл мақсад-моҳиятини очиб беради: “Манзура опа, мен бу дунёдан ўтсам мени эслайсизми? ...Ҳеч ким эслаймайди...” Ана шу жумла ҳаётда алданганларнинг аччиқ қисматиدير.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ўзбек бадиий кино санъатида кўплаб замондошлар образи яратилмоқда. Уларнинг мазмун-моҳияти турлича, муҳими, миллий руҳда, замонавий талқинда ижро этилмоқда. Шунга қарамай, замондош образини гавдалантиришда пухта ёзилган сценарий масаласи ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Кино санъати ривожини учун давлат томонидан зарур шарт-шароит яратиб берилаётган ҳозирги кунда томошабинга бирор жиҳати билан намуна бўла оладиган ҳаётий мукамал замондош қаҳрамонни яратиш пайти келди. Мазкур муаммонинг ечимини топиш мақсадида замондошлармизни сенаторлар, академиклар, журналистлар, компьютер дастурловчилари, дизайнерлар, реклама агентлиги ходимлари, метро ва автобус бошқарувчилар, йўл қурувчилар, кончилар, географлар, ўлкашунослар, фермерлар, ишбилармон-тадбиркорлар орасидан қидириш мақсадга мувофиқ. Уларнинг муаммоларни қандай енгиши бугунги кун томошабини учун қизиқ.

Образ ҳаётдан олинган бўлса ва унга бадиий сайқал меъёрида берилса, унинг экран талқини томошабинни ўзига жалб этади. Бундай изланиш Янги Ўзбекистон кино санъатида янги қаҳрамонни яратишга хизмат қилиш баробарида, замондош образини гавдалантиришда ранг-барангликни ҳам вужудга келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абулқосимова Х. Кинотеледраматургия асослари. – Тошкент: “Star-poligraf”, 2009. – 60 б.
2. Абул-Касимова Х.Н., Тешабаев Ж., Мирзамухамедова М. Кино Ўзбекистана. – Ташкент: Изд-во лит. и искусства им. Г. Гуляма, 1985. – 288 с.
3. Базен А. Что такое кино? — Москва: “Искусство”, 1972. — 382с.

4. Вылегжанина С., Меликов И. Наши современники на экране. — Фрунзе: “Илим”. — 44 с. илл.
5. Исаева К. На экране — современник (Фильмы 70-х годов). — Москва: “Знание”, 1974. — 40 б.
6. Каримова Н. Ўзбекистон бадий кинематографининг шаклланиши ва тараққиёти. Автореф. док. дисс... — Т.: 2019, — 84 б.
7. Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана: истоки. — Ташкент: Издательство журнала “San`at”, 2012. — 120 с.
8. Ниёзова Ҳ. Бадий кинода замондош образи // “Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография: тараққиёт йўлларида” Республика илмий-амалий конференция тўплами. Очун. — Т.: 2021. — Б. 138-145.
9. Салимов О. “Актёр – ҳаракатдаги образ” // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, Т.: 2021, № 10, 5-б.
10. Ўзбекистон санъати: анъаналар ва ижодий изланишлар. Ёш санъатшунос олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: 2007. – 90 б.
11. Ҳафиза Ниёзованинг Шароф Бошбеков билан “Жаннат қайдадир” фильм сценарийси ҳақидаги суҳбати. 2012 йил 11 сентябрь.